

# ТОНГ ГОЛАУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛК ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 43 (65919)  
1996 йил, 22 июнь, шанбаСотувда эркин  
нарҳада

«Семург» номли болалар согломлаштириш оромгоҳи Бўстонлик туманининг энг хушманзара ерларидан бўлмиши Оқтошда жойлашган. Ҳадемай оромгоҳнинг түғилган куни. Оромгоҳнинг ҳам түғилган куни бўларканми, деб ҳайрон бўляпсизми? Бўйил согломлаштириш масканининг ташкил қилинганига 25 йил тулади. Чорак аср давомида «Семург»да 40 мингдан зиёд уғил-қиз ҳордик чиқариб, саломатликларини мустаҳкамлади-лар.

Айни кунларда ҳам оромгоҳнинг бағри болажонлар билан гавжум. Уларнинг ҳар бир куни серзак, таассуротларга бой утилти. Спорт майдончаси, чумилаш ҳавзаси, тенис корти, стадионларда ҳар турдаги мусобақа ва беллашувлар авжиди. Болалар айниқса саёҳатга чиқишни

БАЙРУМЛАРДИ ҲУШМАНЗАРА  
МАДДА

Ёз – дам олишга соз!



жуда ёқтиришади. Моҳир ва тажирибали йўлбошчилари Валерий Жумабеков ва Мирослав Зорич ҳамроҳлигидаги йўлда учрайдиган барча қийинчлик ва тусиқларни енгиди, баланд чуккайлар сари иштийоҳиди. Қойдан қояга урилиб, шарқираб оқаётган шаршарани, чор атрофдан ўраб турган сервиқор қояларни, ҳайрат билан томонга қилинди, турли шаклдаги тошлардан йиғишиди, тог ўсимликлари ва гулларидан мактаб музейлари унун гербариylар туплашиди. Кечга яқин давонда каттакон гулхан ёқиб, атрофида давра қуришиди. Улар куйлаган қушиқлар қояларда акс-садо булиб жарагларди.

Байрамлари мул бўлган ушбу оромгоҳга кўп йиллардан

буён педагогика фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат курсатган ҳалқ таълими ходими Данил ака Абдуллаев раҳбарлик қилиб келадилар. Лекин бирор юмуш билан у кишини йўқлаб боргудек бўлсангиз, хонасидан тополмайсиз. Чунки Данил ака доимо болалар орасида. Бир қарасангиз от мингандапчилар сардори бўлди, бир қарасангиз эшагида Бухородан қайтаётган Насридан Афандитимсолида курасиз. Яқинда дентиз ва океанлар шохи Нептун қиёфасига кирганида, болалар уни таниелмай анча ўйланишиди. Қувончилиси шундаки, оромгоҳда ўтказилаётган миллӣ анъаналар байрами, бадий ҳаваскорлар чиқишилар, турли курик-танловларда нафакат оромгоҳда дам олувчилар, балки яқин қиши

лоқлардаги болалар, ҳатто уларнинг ота-оналари ҳам иштирок этишилти. Оромгоҳлараро буладиган беллашувларга эса болалар жиддий ҳозирлик куришиди.

Уларнинг уз митти фотокино студиялари ва телевиденнилари ҳам бор. Унда кўп йиллар давомида «Семург» ҳаётida рўй берган ажойибу гаройиб тадбирлар, тантана ва учрашувлар муҳранган.

«Семург»да утган ҳар бир кунлари болаларнинг ёдуди узоқ сақланишига шубҳа йўқ.

**Жўрабек ҲАМИДОВ.**  
Суратларда: «Семург» ҳаётидан лавҳалар.

**Е.ЛЕЙТМАН**  
олган суратлар.



## ФАВВОРАДА ЧУМИЛСА

### БЎЛАДИМИ?



Ёз фаслини орзиқиб қутмайдиган бола бўлмаса керак. Чунки бу даврда биринчидан мактабларда ўқишилар тугаб, таътил кунлари бошланса, иккинчидан, куннинг жазирама пайтида муздек сувда мириқиб чумилишнинг узига хос гашти булади. Бугунги кунда ҳам дарёлару куллар, сойлару каналларда чумилаётган болаларни куплаб учратиш мумкин. Аммо юртимзининг Тошкент, Самарқанд, Буҳоро, Фарғона каби сув ҳавзалари

чиниқтиради. Лекин фаввора сувлари ҳар доим ҳам тоза бўлавермайди. Болалар сувдан чиққач, баданларини қўёп нурида тоблаш учун фаввора атрофидаги асфальтларга ётадилар. Бу ерлар эса кўпгина касалликларни, шу жумладан юқумли ошқозон-иҷак хасталикларини чақиравчи микроблар билан ифлосланган булади. Бундай микробларни баданига илаштириб олган бола яна фаввора сувиди чумилиб, уни қайта ифлослади.

Тошкент цирки рупа расидаги фаввора ёнидамиз. Бу ерда ҳам шу ахвол. Болаларнинг биридан сураймиз.

— Бу ерга чумилишга тез-тез келиб турасанми?

— Деярли ҳар куни туш пайтида.

— Фаввора суви тоза эмаслигини, унда чумилиш болаларда турли юқимли касалликлар пайдо булиши мумкинлигини биласанми? Ахир сув оқмаянти, бир жойда айланяпти-ку?

— Нима бунти? Шунча пайтдан бери ҳали бирор жойим оғриб қолгани йўқ.

— Касаллик кейинроқ ўзини намоён қилиши мумкин.

— Нима қилайлик, биз томонларда чумиладиган жой йўқда,—сұхбатта қушиди бизни қарироқда кузатиб турган новчароқ бола. Афтидан у шу ердаги болаларнинг дардини айттан эди. Дарвоке, унинг тапида жон бор. Пойтахтимизда болалар учун мулжалланган маҳсус чумилиш ҳавзалари борми? Ахир фаввора чумилиш учун эмас, балки шаҳримиз файзи, қолаверса атроф-муҳитни салқинлатиб туриш учун курилган. Ўзбекистон Миллӣ бояги, Мирзо Улутбек номли истироҳат боғларидаги чумилиш ҳавзалари эса фақат катталар учун мулжалланган.

Пойтахтимизда ўнга яқин чумилиш ҳавзаларига айланган фавворалар бор. Энергетика вазирлиги биноси ёнидаги, Алишер Навоий номли театр рупа расидаги, Чорсу майдонидаги фавворалар шулар жумласига киради. Ана шу фавворалар ҳажмидаги сув ҳавзалари шаҳарнинг барча турар жойларида қурилса, уларда сувлар оқиб мунтазам тозаланиб турса айни мудда булади. Чунки болаларни чиниқтириш фаввораларда чумилиб, юқумли касалликлар ортириш ҳисобига бўлмаслиги керак.

—  
Дарҳақиқат, бу ерга шаҳримизнинг турли-туман жойларидан болалар чумилишга келишади. Уларнинг аксарият қисми йўл ҳаракати ҳавфисизлиги қоидаларини яхни билмайдиган мактаб ўқувчилари-дир. Чумилишга келган айрим болаларнинг ота-оналари уз фарзандини қидиришмайди ҳам, «Узи келиб қолар» деб қўйишади, бенарволик билан. Ваҳоланки, бугунги кунда пойтахтимизда рўй бергаётган транспорт ҳодисалари-нинг кўп қисми болалар иштирики билан, боғлиқ.

Туғри, ёзда чумилиш танани

**Абдумалик  
АБДУРАХМОНОВ**

# «ХАРАКАТИНГИЗНИ ТҮГРИ БАХОЛАЙ ОЛИНГ»,

— дейди Халқаро Мұхандислар академиясининг мухбир аязоси, техника фанлари доктори Муборак ТЕШАБОЕВА.

— Муборак опа, ўқувчилик даврларынғын эсласаңыз.

— У пайтларда мактабга бориши жуда яхши күрардым. Иложи бұлса-ю якшанба куни ҳам мактабга борсак дердим. Математика, киме, тарих, адабиет каби фан ўқитувчиларының ҳар бир янги дарс соатларини диктат билан эшитардым. Назаримда ўқитувчилар доимо менга қаралған гапиришар, фақат мен учун дарс ўтишаёттандек бұларды. Балки уларнинг гапларини эътибор билан тинглаёттаним учун шундай туолгандыр? Математика фаны ўқитувчимиз мени математик булишимни, киме ўқитувчим кимәгар, адабиет ўқитувчимиз эса адабиетчи булишимни хоҳлашарди. Касал булып бир ҳафта мактабға бора олмадым. Шунда математика ўқитувчимиз доскани иккига бүлдилар. Бир томонига ўқитувчиларга топшириқ беріб, иккінчи томонига мени чақырдилар. Үзлери эса ўтилган мавзуларни тушунтириб бердилар...

Мен үзим ўқыган шаҳри миздаги 73-мактаб, ҳамда 32-ищчи ёшлар мактабы ўқитувчиларидан чексиз мин-



натдорман.

Мактабда ўқиб юрганимда тикиш, түқиш, гимнастика, киме түгарапларига қатнашардым. Улгайгач шифокор булиши орзу қилардым. Оқхалат, оқ қалпоқ кийиб юриши жуда яхши күрардым. Лекин отам мени математик булишимни хоҳладилар. Сабаби, үзим табиатдан нимжон эдим. Отам үшанда: «Бонуҳон, оқ халат, оқ қалпоқ кийін билан шифокор булып қолавермайсиз. Узингиз

жуда нозиксиз, сиз математик бўлинг» дегандилар. Отамнинг насиҳатлари билан аниқ фан билан шуғулана бошладим ва бундан ҳеч қачон афсусланмайман.

— Сиз Республика ўқувчилар саройида «Қизиқарли ма-



тематика» түгарагига аъзо бўлгансиз. Ҳозирда эса Саройда «Сунъий тафаккур» түгарагининг раҳбарисиз. Түгарак ҳақида ҳам батафсил билишни истаймиз.

— Ҳа, ҳозирги кунда Саройда «Сунъий тафаккур» түгарагини бошқараман. Аввалин сунъий тафаккур тушунчасига бироз изоҳ берсам. Бу—мия фаолияти функцияларини ўрганган ҳолатда муқаммал бажарыш тизимларини яратиш дегани. Оддий сўз


билан айтганда, техник воситалар ёрдамида инсон аъзоларининг аксини яратиш. Роботлар ҳақидағи кинофильмларни күплаб қургансиз, газета ва журналларда ўқигансиз. Жонсиз темир-роботнинг яратилиш тарихи бевосита сунъий тафаккурнинг иши. Тұгарағимизга 17 нафар ўқувчи аъзо. Шуҳрат Олимжонов, Мурод Шарипов, Фарход Турсынбоев каби болалар 3 йилдан бери қатнашиб келишади. Улар компьютерда бемалол ишлаб, үзлари дастур тузу оладилар. Олимлар билан қандай гаплашсам, тұгарағимиз болалари билан ҳам худди шундай гаплашаман. Сабаби, улар үткір зеҳнли, қобилиятли болалар. Умуман, математика жуда қызық, мұжизаларга бой фан.

— «Тонгюлдузи» мұхлисларига тилякларингиз?

— Келажак доно, ақли, билимден болалар құлда. Фарзандларимизнинг ҳар томонлама камолот әгалари булишларини хоҳлайман. Айтишади-ку, бир тилни билган бир инсон, иккى тилни билган иккى инсон, деб. Билим олишин, тил ўрганишсін, билимденендер үларға ҳеч қачон панд бермайды.

**Феруза ОДИЛОВА**  
сұхбатлашды.

## ҲАМ САЕХАТ, ҲАМ ЗИЁРАТ



Файзулла Ҳұжаев номлы 32-урта мактабында 7-«Е» синф ўқитувчилари таътил күнларыда музейларга, тарихий обидаларга саеҳатлар үзүнширилгендер. Улар Файзулла Ҳұжаев үй-музейини бориб күрдилар. Иккі қаватли үйнинг сержило безати-ю бетакрор нақшлари ўқитувчиларда ҳайраттады. Сунгра болалар Арқ ва Бухоронинг сунгти амири Сайд Олимхоннинг өзги қароргоҳы бўлган Моҳи-Хоссага йўл олдилар. Бу музейларда тарихий, археологик қазилмалар, қадимий буюмлар, кийим-кечаклар, зебизийнат ва тақинчоқларни кўриб, ҳалқимиз тарихи, унинг машҳур кинслиари ҳақидағи ҳикояларни тингладилар.

Ҳам саеҳат, ҳам зиёратимиз ўқитувчиларда катта таассурот қолдирди. 2500 йиллик түйини нишонлаш арафасидаги жонажон Бухороимизнинг тарихий обидаларини кўз қорачигидек асрарашга сўз бердилар.

**Ҳадиҷа ФАҒУРОВА,**  
Бухоро вилояти, Ф. Ҳұжаев  
номлы 32-мактаб  
ўқитувчиси

Эй фарзанд, билгилки, донишмандлар уйқуни кичик улим дебдурлар. Ул жиҳатдин улғон киши ухлогон киши билан баробардир ва бу иккенинг ҳам ҳеч бири оламдан оғоҳ эмаслар.

Куп ухламоқ өмон одатдурки, баданни суст ва табиатни вайрон қилур, юзнинг суратин бошича ҳолга айлантирур. Олти нарса кишига етишиша, унинг юз суратини узгартыради: бири дархол мусасар булган шодлик, бири ногоҳ етишган гам, бири қаҳр, бири уйқу, бири мастилк ва яна бири қарилдур. Одам қарі булса сурати узгариши, аммо бу узгариши бошича турға киради. Аммо киши ухлагон вақтида тирик ёки улик деб ҳукм чиқариб булмас, яъни улғон кишига ҳукм йўқдир, ухлагон кишига

қўйрағағлатта че-киб, уйқуга элтар. Танинг уйқуга боргони бир кулаб тушгон уйдек булади. Уй кулагон чоғда ичиди ҳар ким булса уни босиб қолади. Худди шунингдек уйқу ҳам кишининг ҳамма аъзосин босиб, гүе ер билан яксон қилур. Шунда қулоқ сўз эшитмас, куз ҳеч нарса курмас, бурун исни, оғиз мазани, қул юмшоқ, қаттиқ, оғир енгилни билмас.

Уйқу беҳикмат яратилмади, балки барча ҳайвонотнинг роҳат ва осойишлари учун яратилди. Аммо уйқу учун күп вақт сарф қилиб, кундузни кечага айлантиримок, ҳикматдин эрмасдур. Аммо улуғлар өз фаслида чошт вақтни қайтула қылсалар раводур,

## УХЛАМОҚ ВА ОСУДА БЎЛМОҚ ЗИКРИДА

Ҳам ҳукм йўқдур.

Куп ухлаш зиён қилганидек, ухламаслик ҳам зарар қилур. Масалан, агар бир одамни стиши иккиси соат, яъни уч кеча кундуз журттага ухлатмасдан олиб юрилса, тұстадан улим хавфи туғилади. Аммо ҳамма ишнинг утчови бордур. Чунки кеча ва кундуз йигирма торт соат бўлур. Шундан саккиз соатни ибодатта, саккиз соатни ишратта ва руҳни тоза қилмоқча ва саккиз соатни мана шу ўн олти соат давомида қийналғон аъзоларга ором бермакка тайин этмоқ керакдур, токи аъзо ҳаракат тақаллудидин осуда бўлсун. Аммо жоҳиллар ушбу йигирма торт соатнинг ярмини уйқу билан уткариб ва ярмида бедор бўлурлар. Яъни ялқошлар иккиси ҳиссасида ухлаб, бир ҳиссасида узга ишга машғул бўлурлар. Оқиллар бир ҳиссасида ухлаб, иккиси ҳиссасида бедор бўлурлар.

Билгилки, кеча бандаларнинг роҳат ва осойиши учун яратилғон ва тан жон била тириқдур. Тан жоннинг маконидур. Жон унда мутамаккиндар.

Жоннинг уч хосияти бордур: ҳаёт, ҳаракат ва сукун (харакатсизлик). Танинг ҳам уч хосияти бордур: мамот (улим), сукун ва оғирик. Модомики жон тан била мутасилдур, күнгүл танин уз хосияти била сақлар, ундан сўнг күнгил танга иш буюрар, гоҳо күнгил танин уз хосияти била ишдин

филжумла, бизларга умримизнинг күпрогин бедорликда ўткармак керакдур, нединким, туганмас узоқ уйқу олдимизда бордур.

Недирким улғон била ухлагон баробардур, иккенинг ҳам оламдин хабари йўқдир. Лекин бири ҳаёт уйқусидир. Аммо иккенинг орасида бундай фарқни билмоқ керакдур.

Эрта туришни одат қил. Ҳар кишиким күеш чиққунча уйқуда бўлса, ризқи кам бўлур...

Агар ишинг бўлмаса, кунглинг тиласа ширкор томошасига борсанг сайд ва андозлик қилсанг раводур.

## Лугат дафтарингизга ёзиб олинг

Осуда бўлмоқ - дам олмоқ  
Коҳиллар - ялқовлар  
Муттасил - туташ  
Чошт - тушга яқин вақт  
Қайтула - чоштоҳ вақтидаги уйқу  
Филжумла - лўнда қилиб гапирганди  
Ширкор - ов  
Сайд андозлик - овчилик

— Ҳамдам ака, сиз узоқ йиллар давомида Туркистон тарихи, униг арబлари ҳақида илмий ишлар ёзгансиз. Ўқувчиларимизга шу хусусда қандай янги гапларни айта оласиз? Ўқувчиларимиз таъбири билан айтганда бизга қандай «совгалар» тайёрлаисиз?

— Абдурауф Фитрат асrimiz бошида Туркияга бориб таҳсил олиб келган ва уша ерда дунёка-раши шаклланган ёшлардан бири эди. XX аср бошида узбек бойлари тараққийпарвар узбек уламолари ва зиёллари Туркистон келажагини ўйлаб энг иқтидорли болаларни Туркия, Россия Германияга уқиша юборишган. Шу мақсадда улар хайрия жамиятини тузиб, савдо, тижорат на-моёндалари маблағларидан фойдаланишган. Хусусан, тошкентлик муаллим, янги усул мактабини уз уйидаги очиги Мунавварқори Абдурашидхонов болаларни чет элларга юбориб уқитиш ишига боғчилик қилинган. Асосий мақсад Түркистон келажаги учун зарур кадрларни етишириб, улка истиқлоли учун курашга бел боғлаган жадидлар сағиға қушилди. У Туркиядаги уқи-ган кезлари илғор фикрловчи ёш түрклар ташкилоти билан танишган ва уларнинг гояларини ўзига курол қилиб олган эди. Фитрат Бухородан худди узи каби тараққийпарвар зиёли Файзулла Убайдуллахужа ўғли билан танишади. Савдогарлар, хунармандлар ва зиёллардан иборат ёш бухороликлар партиясини тузиш ҳаркатини бошлайди. Бухорода ҳам, Түркистонда ҳам жадидлар Россиянинг мустамлака қулигидан озод қилиш, истиқлолга эришиши учун жиддий кураш кетмокда эди. Бу кураш турли йұна-лишларда олиб борилди.

— **Түркистонда ёш сартлар, Бухорода ёш бухороликлар, Хи-вада ёш хиваликлар деб аталаған жадидларнинг (янгилик тарафдорлари) режалари ва кураш ус-лублари ўша вактдаги инқилоб-чилардан фарқланғаны?**

— Жадидлар билан инқилобчилар кураши уртасида үзаро ұхшаш ва қарама-қарши томонлар булган. Уларнинг мақсади подшо ҳокимиятini ағдарышы ва республика үрнатып эди. Жадидлар бу ишни ислоҳотлар йулы билан, инқилобчилар эса құзғолон вое-ситасида амалға ошироқычы булишган. Асосий фарқ яна шунда әдіки, жадидлар маърифатни син-фий курашдан устун қўйишган. Улар мулкодорлар, бой табақаларни йўқотиш ниятида булишмаган. Инқилобчилар, шу жумладан, большевиклар умуман бойлар синфини йўқотишни исташган. Фитрат билан Файзулла Хужаевни амирларни ташкиши, уларни тусиқсиз Тошкентта утказиб юборишини вайда қилиши. Аммо большевиклар узокни кузлаб, амир таклифини рад қилиши. Уларга бу икки машҳур арбоб жуда керак эди. Тарихта «Колинс юриши» сифатида кирган бу воқеа Садриддин Айнининг эсдаликларидан машҳур «Қуллар» романы да үз аксими топган.

Фитрат билан Файзулла Хужаев Тошкентда 1920 йилга қадар яшапшиди. Уларни большевиклар уз сағларига қабул қилиши. Бу икки истиқлол курашчиси шу тариқа большевиклар домига илинди. Улар қизил қушишининг 1920 йил сентябрьдаги Бухорога юришида.

ни эса вазир этиб тайинлади.

— **Фитрат билан Файзулла Ху-жаев большевикларга ишонғаними?**

— Улар дастлаб большевиклар партиясига, шуро ҳокимиятiga ишонишган. Истиқлолни ушалар кулидан оламиз, деб куп уринишган. Шунинг учун ҳам Фитрат билан Файзулла Хужаев 1937 йилда эгаллатган юксак лавозимларидан қатый назар НКВД томонидан қатагон қилинган. Чунки большевиклар бундай зукко одамлар вақти келиб ўз халқини истиқлол сари эргаштира олиши мумкинligini яхши пайқашган.

Гап шундаки, большевиклар Түркистон истиқлоли жарчилари булган жадидларнинг асосий мақ-

сатини амир Бухоросида иш күраёттан ёш бухороликлар ҳам узи-га жалб қилиди. Рус полицияси кенг агенттура тармогини юзага келтириб, Тошкентта ўзининг сиёсий идорасини ташкил қилиди. Бу идорани Леонид Кретинский бошқарди. Унинг номи Түркистон район мұхофаза булими, деб аталаған. 1907 йилдан 1917 йилга қадар фаолият курсаттан бу идорани руслар «охранка», узбеклар эса «сиёсий идора» деб аташган. Ана шу идоранинг ҳужжатларида Түркистондағи истиқлолчилек ҳаракати ва униға фоал намоёндалари ҳақида кенг жосуслар ахборотлари тупланған. Бундан ташқари, Түркистон гене-рал губернатори мақкамасида ич-

**Абдурауф Фитрат таваллудининг 110 йиллигига**

Десантнинг катта раҳбари Фрунзе Ленинга 1920 йил апре-лида йуллаган телеграммасыда Түркистонда асосан иккى құдратли сиёсий йұналиш мавжудларындағы үктириб үтди. Биринчиси Фрунзе таърифича буржуа миллатчилиги, иккінчиси эса буюк рус миллатчилиги. Фрунзе ана шу иккى йұналишта қарши кураш масаласида узига кенг ваколатлар сұрады. Десантчилар таникли рус шовинистларини Түркистон үл-касидан сурғун қилиб, уларнинг үрнега маҳаллий миллат одамларини пропорционал вакильлик принципи асосида бошқарув идораларига ишпа қўйиши. Ана шу тағдир ағфор оммада шуро ҳокимияти ҳақида ижобий тасаввур үйгота бошилади. Десантчилар Түркистонде бой улкани мустамлака ҳолида Россиянинг таркибий қисми сифатида ушлаб қолиши үйлида ҳар қандай чора-восита-лардан қайтишмади.

Фрунзе Файзулла Хужаев, Аб-дурауф Фитрат, Абдурахид Бур-хонов, Садриддин Айний каби Бухоронинг таникли арబларни үз тарафига оғдиришга ва улар-нинг жадидлар партиясini большевиклар партиясига қушиб юборишига мұваффақ булиди. Айни шу арబларнинг қули билан Бу-хородаги мустақил давлатни бо-сиб олишга ҳаракат қилиди. Унинг бу режаси 1920 йил сентябрьда амалга ошиди. Бухорода қизиллар-нинг ҳукумати — Бухоро ҳалқ шуро ҳумхурияті ташкил этилиб, унга раҳбарлар каби курашпашынан истиқлолчилар ҳаракатини тутатишида десант сопини узидан чиқарди. Больше-викларнинг машъум ниятини Файзулла Хужаев, Абдурауф Фитрат яхши англаб, уларга қарши зидан иш күриши. Шу-нинг учун ҳам 20 йилларнинг охрии ва 30 йилларнинг бошли-рида матбуотда бу иккى арбоб ҳақида тұхматдан иборат мақолалар әз-зен қилинди. Партия қу-рұлтойларидан, Марказий Комитет пленумларыда Файзулла Хужаев ва Фитратта қарши чиқи-шлар кучайди. Машъум «Нар-компрос иши», Бедридинов, Ко-симов, Иногомов, «18 лар гуру-хи» компаниялары шундай қата-гоннинг илк қуришилари эди.

Ўзбек ҳалқининг содик фар-зандлари Файзулла Хужаев ва Аб-дурауф Фитрат Шуро тузумининг — сохта мағкурага асосланған сиёсий тузумнинг құрбонлари булиши. Улар инқилобнинг нима-лигини тушуниб, Ўзбекистон истиқлоли үйлида астайдил курашынан филокорлар эди. Эндилиқда мустақил Ўзбекистон олимлари бу иккى буюк сиймонинг үрга-нилмаган фаолият қирраларини еритмоқдалар. Ҳалққа уларнинг бой мероси қайтарылмокда.

— **Мароқли сұхбаттингиз учун танаккур!**

Феруза ЖАЛИЛОВА  
сұхбатлашды.

## ОЛҒЫДА ФОЖЕДСИ

Абдурауф Фитратнинг ҳаёті ва фаолияти олимларимиз томонидан тобора чукур үрганилмоқда. Узбек ҳалқининг содик фарзанды, жамоат ва сиёсат арбоби, журналист, өзувчи ва олим Фитрат ҳаётининг бизга яхши өритилмаган қирралари ҳақида тарихчи олим Ҳамдам СОДИКОВ мухбиримизга ҳикоя қилиди.

мита раиси қилиб тайинланди. Бу құмитанинг барча азольари таникли жадидлар, шу жумладан Абдурауф Фитрат ҳам эди. Еш бухороликларнинг қизил аскарлар билан Бухоро останасида пайдо булиши амирни күркитиб юборди. У жадидларга вакиллик юбориб, уларнинг барча талабарини бажарипшини маълум қилиди. Подшо армиясининг генерали унвонига эга бўлган амир Олимхон вақтдан ютиши мақсадила шундай қилиди. Музокаралар пайтида у куч түплаб темир йул изларини, телеграф симларини қирқтириди. Амир қизил аскар ва ёш бухороликларни күршов ҳалқасига олди. Уқ-дориси, озиқ-овқати тутаган қизил аскарлар орқага чекинди. Йўлда уларни амир сарбозлари таъқиб этди. Ҳолдан тойған аскарларга амир одамлари бир талабни қўйиши. Абдурауф Фитрат билан Файзулла Хужаевни амирларни ташкиши, уларни тусиқсиз Тошкентта утказиб юборишини вайда қилиши. Аммо большевиклар узокни кузлаб, амир таклифини рад қилиши. Уларга бу икки машҳур арбоб жуда керак эди. Тарихта «Колинс юриши» сифатида кирган бу воқеа Садриддин Айнийнинг эсдаликларидан машҳур «Қуллар» романы да үз аксими топган.

Фитрат билан Файзулла Хужаев Тошкентда 1920 йилга қадар яшапшиди. Уларни большевиклар уз сағларига қабул қилиши. Бу икки истиқлол курашчиси шу тариқа большевиклар домига илинди. Улар қизил қушишининг 1920 йил сентябрьдаги Бухорога юришида.

Шуро ҳокимияти Файзулла Хужаевни амир Бухоросида иккى құдратли сиёсий тузумнинг құрбонлари булиши. Улар инқилобнинг нима-лигини тушуниб, Ўзбекистон истиқлоли үйлида астайдил курашынан филокорлар эди. Эндилиқда мустақил Ўзбекистон олимлари бу иккى буюк сиймонинг үрга-нилмаган фаолият қирраларини еритмоқдалар. Ҳалққа уларнинг бой мероси қайтарылмокда.

— Абдурауф Фитрат асrimiz бошида Туркияга бориб таҳсил олиб келган ва уша ерда дунёка-раши шаклланган ёшлардан бири эди. XX аср бошида узбек бойлари тараққийпарвар узбек уламолари ва зиёллари Туркистон келажагини ўйлаб энг иқтидорли болаларни Туркия, Россия Германияга уқиша юборишган. Шу мақсадда улар хайрия жамиятини тузиб, савдо, тижорат на-моёндалари маблағларидан фойдаланишган. Хусусан, тошкентлик муаллим, янги усул мактабини уз уйидаги очиги Мунавварқори Абдурашидхонов болаларни чет элларга уқитиш ишига боғчилик қилинган. Асосий мақсад Түркистон келажаги учун зарур кадрларни етишириб, улка истиқлоли учун курашга бел боғлаган жадидлар сағиға қушилди. У Туркиядаги қўйи-ган кезлари илғор фикрловчи ёш түрклар ташкилоти билан танишган ва уларнинг гояларини ўзига курол қилинган эди. Фитрат билан Файзулла Хужаев 1937 йилда эгаллатган юксак лавозимларидан қатый назар НКВД томонидан қатагон қилинган. Чунки большевиклар бундай зукко одамлар вақти келиб ўз халқини истиқлол сари эргаштира олиши мумкинligini яхши пайқашган.

Гап шундаки, большевиклар Туркестон истиқлоли жарчилари булган жадидларнинг асосий мақ-

садлари нима эканлигини яхши билишган. Уларнинг қулида Файзулла Хужаев, Маҳмудхұжа Бехбүдий, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдуллахужа Асадуллахужаев каби маърифатпарварлар фаолиятiga доир подшо полицияси маълумотлари сақланған. Асrimiz бошидаётк ғана ишул мактаблари ташкил қилиб, ёшларни чет элларга уқишига юборган жадидлар мустамлакачилари рус амалдорларини ташвишга солған эди. Тарихчиларнинг маълумотларига қаранганды, аникроги, тадқиқотчи Сайдакабар Аъзамхужаевнинг Түркистон мұхториятти тарихига доир докторлик диссертациясида бу ҳақида батағсил маълумотлар берилген. 1907 йилда Туркестон үлкаси маърифатпарварлари ҳақида катта ахборот әзлон қылған. Асrimiz бошидаётк ғана ишул мактаблари ташкил қилиб, ёшларни чет элларга уқишига юборган жадидлар мустамлакачилари ташкил қилиб, инвалидларнинг ғазарлары — «Тараққий», «Хуршид», «Шұхрат», «Садои Туркестон» каби узбек вақытли матбуот қалдирғочлары парвозини тұхтатиб қўйиши.

Рус мустамлакачилари ва улар-нинг издошлари булган большевиклар ана шу сиёсатни изчил да-

вом эттиришган. Миллий озодлик ҳаракати ва истиқлолчилек мағ-курасининг ҳар қандай күринишларига қарши шағфатсиз чоралар куришган. 1919 йилда шахсан Ленин томонидан юборилган Туркестон комиссияси подшо Россияни юборған түркіннинг ишини давом эттиришган марказнинг иккичи десант булған.

Будесант риёкорона сиёсат юргизди. Фрунзе, Куйбисев, Рудзутак, Гусьев, Боки, Элява каби большевикларнинг таникли арбоблари Туркестонда истиқлолчилек ҳаракатини бүгін ташкыл, инқилобий мағкурани кенг ейишшы интилиши. Десантчилар улканинг энг күзға куришган жамоат арбобларини — Түрор Рисқулов, Низомиддин Хужаев, Файзулла Хужаев, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов кабилардан үз мақсадлари үзүліп келинди. Партия қурултойларидан, Марказий Комитет пленумларыда Файзулла Хужаев ва Фитратта қарши чиқи-шлар кучайди. Машъум «Нар-компрос иши», Бедридинов, Ко-симов, Иногомов, «18 лар гуру-хи» компаниялары шундай қата-гоннинг илк қуришилари эди.

Больше-викларнинг машъум ниятини Файзулла Хужаев, Аб-дурауф Фитрат Шуро тузумининг — сохта мағкурага асосланған сиёсий тузумнинг құрбонлари булиши. Улар инқилобнинг нима-лигини тушуниб, Ўзбекистон истиқлоли үйлида астайдил курашынан филокорлар эди. Эндилиқда мустақил Ўзбекистон олимлари бу иккى буюк сиймонинг үрга-нилмаган фаолият қирраларини еритмоқдалар. Ҳалққа уларнинг бой мероси қайтарылмокда.

— Мароқли сұхбаттингиз учун танаккур!

Феруза ЖАЛИЛОВА

сұхбатлашды.





**«АМИР ТЕМУР»**


**ХАКИДА 10**

**САВОЛ»**

**ВИКТОРИНАСИННИГ**

**3-ТУР САВОЛЛАРИ**

1. Амир Темур Мовароуннахр маркази этиб қайси шаҳарни таңлаган?
2. Соҳибқирон исча ёнда биринчи марта сиёсатта аралаша бошилди?
3. Темур қайси йили Мовароуннахр ва Хурсоннинг ягона хокимига айланган?
4. 1380 йили Амир Темур Шаҳрисабзда нима барпо эттирган эди?
5. Соҳибқирон туғилган пайт табиятда қандай воқеалар содир бўлганини ривоятлар асосида тасвиirlab беринг.
6. Амир Темурнинг хотини Улжой Турконнинг асл исми нима эди ва нима учун уни бундай ном билан атапарди?
7. Соҳибқироннинг қанчада ўғли бўлган? Уларнинг исмлари ништинг.
8. Амир Темур турк султони Боязид Йилдирим устидан қачон ва қаерда зафар қучган?
9. «Темур тузуклари» асари яна қандай номлар билан аталган?
10. Соҳибқироннинг қўйидаги ҳикматли гапини давом эттиришт: «Ботир жангда билинар, доно...»



Қадинни кериб юрар,  
Ризқини териб юрар  
Эрта билан қичқирав,  
Ким кўп ухлайди, билар,  
Аканг хуроз, лаканг хуроз...

• Р.Альбеков сурат-лавҳаси

**ТОНГ ЮЛДУЗИ**  
Ўзбекистон болалари ва  
ўсмирларининг газетаси

**Бош  
муҳаррир  
Умида  
АБДУАЗИМОВА**

Хурматли таҳририят! Мен ҳам бошқа болалар қатори музқаймоқ сийини ёқтираман. Айниқса, ёзинг ҳозирги жазирама дамларидан музқаймоқ тановул қилиш танага роҳат бахши этади. Аммо унинг пайдо бўлиши ҳақида ҳеч нима билмайман. Иложи бўлса, музқаймоқнинг пайдо бўлиши ҳақида маълумот берсангиз.

Сайдазим УМАРОВ  
Андижон шаҳридаги А. Авлоний номли мактабнинг 6-синф ўкувчиси.

Ёшу қарининг олқишига сазовор бўлган, айниқса, болажонларимизнинг жонулини хисобланган ажойиб неъматлардан бирй музқаймоқдир. Ёзинг иссиқ кунларда киши таомдан ҳам бурун бир донагина музқаймоқ сийини афзал кўради. Ёш болаларнинг музқаймоқни курса қувонганидан ча-

қарнайн замонасида ҳам мавжуд бўлган. Искандар Марказий Осиёни бошиб олганида ерли аҳолининг иссиқ кунларда сб, куёш тафтидан сақланадиган гаройиб неъматни кўриб, ҳайратта тушади. Босиб олган ерларини тарк этиб, Македонияга кетар чогида эса Искандарнинг одамлари музқаймоқ тайёрлаши усулини ҳам

ким унинг асл ватани—Осиё ҳақида чурк этмасди. Аксинча, кўплар музқаймоқнинг ватани деб Италияни тан олишар эди. XIX асрда эса музқаймоқнинг ватани деб Россияни атасди. Сабаби, 1845 йили Иван Излеров деган сандогар музқаймоқнинг янги турини кашф қил-

# Музқаймоқни жати



пак чалиб юборишларини айтмайсизми?! Ушбу ажойиб, шифобаҳи неъматнинг тарихи қандайлиги ҳаммага ҳам маълум бўлмаса керак. Тўғри, айрим одамлар музқаймоқ Россия, айримлар эса, Европада қашф этилган, деб ҳисоблайдилар. Аммо ҳар иккала таҳмин ҳам хото экан.

Музқаймоқ, маълум бўлишича, Шарқда, аниқроғи Ҳиндистонда қашф қилинган. Дастилабки музқаймоқлар кокос менасининг сутига қор ёки муз қўшилишидан вужудга келган. Эрон на Марказий Осиёга тарқалган эса музқаймоқ оддий сутга ёки қаймоқка асал, ё бўлмаса мураббо қушиш билан тайёрланган. Марказий Осиёда «яхқаймоқ» деб атальган бу неъматта яна тухум, жаҳарлимур (лимон кислотаси) ҳам қўшганлар. Сўнгра тоблардан тоза ях ва қор олиб тушиб, тайёр бўлган қоришимага солиб қўйганлар. Бир неча соатдан кейин эса қаттиқлашган ширин ва роҳатижон маҳсулотни лаззатланиб сийишган. Арабларда ҳам худди шундай усулда тайёрланадиган маҳсулот бор экан, унинг номи «алжелати» бўлиб, таом урнида ҳам истеъмол қилинган.

Музқаймоқ шу қадар қадими неъматки, у ҳатто Искандар Зул-

ёзб олиб кетадилар. Аммо Македонияда Шарқнинг бу роҳатбахши неъматни унчалик шуҳрат қозонмади. Бунга сабаб, ерларнинг иқлими салқинлиги бўлгани аниқ.

Музқаймоқ XIII асрдагина Европада лаззатли неъмат сифатида тан олинди. Машҳур италиялик сайди Марко Поло Ҳиндистон на Эронга қўлган саёҳатларида музқаймоқни ҳам кўлга киритади ва уни маҳсус кўзаларга солиб, Италияга олиб боради. Шарқнинг бетакор маҳсулуни татиб курган италияликлар дарров уни тайёрлаши услубини урганиб оладилар. Кўп ўтмай шу соҳада сайдо қиласидиганлар ҳам чиқиб қолди. XVI асрда музқаймоқнинг шуҳрати бутун Европага тарқаб бўлганди. 1630 йилда эса Парижда музқаймоқ сотувчи дўконлар пайдо бўлди. Шу тариқа музқаймоқ бутун жаҳонни уз тасарруfiga ола бошлиди.

1770 йилда Нью-Йорк, 1860 йилда Лондон аҳли музқаймоққа «кул булдилар». Бутун дунё музқаймоққа ҳамдусано ўқир, уни олқишилар эдию, ҳеч


ди. Бу албатта, озиқ-овқат саноати соҳасидаги жуда катта қашфиёт эди. Излеровгача ҳали ҳеч ким музқаймоқнинг янги турини ўйлаб топмаганди. Аммо музқаймоқнинг асл ватани яна сояда қолиб кетди.

Музқаймоқнинг барча томонидан сеъиб истеъмол қилинини шабларидан бири унинг ниҳоятда шифобаҳиллигидар. Ичбуруғ ва дисентерия касалликларига айнан музқаймоқ даводир. Ошқозонда яра пайдо булиши ҳамда сил хастиликлари ҳам музқаймоқ билан даволанади. Шунингдек, музқаймоқни ёндигина операция бўлган беморлар, ё бўлмаса, озиб кетган, қони камайиб кетган кишилар кўпроқ истеъмол қилиши керак. Музқаймоқ инсонни бақувват, тетик, хушёр қиласди. Бундан ташқари унда 15 фойзгача ёғ, 20 фойзгача шакар ва 70-80 фойз оксили моддаси: А, В, С, Д, Е дармондорилари, шунингдек инсон нужули унг жуда фойдали фосфор ва калций моддалари бор. Шарқнинг бу ажойиб ва бебаҳо неъмати анча-мунича дардга даволиги ва инсон ҳаётидаги алоҳиди уринга ётаги билан жаҳон ҳалқлари орасида обру-эътибор қозонган.

Хайрулло НУРИДДИНОВ.

## ҚУШЛАР

**Топқирлик  
машиқи**



Энига: 2. Ранг-баранг патли, «гандон» жануб қуши. 5. Қарғасимонлар оиласига мансуб, ола-була қанотли, думи узун парранда. 6. Турқовоқда боқиладиган сайроқи күп. 9. Кантарлар туркумига мансуб, қафасда ҳам учрайдиган сайроқи күп. 11. Овчилар қўлга ўргатиб фойдаланадиган йиртқич күп. 13. Сарик тусли чумчуқсимон сайроқи парранда. 14. Бўйни узун, хонакилаштирилган ёки ёввойи, йирик, сувда сўзувчи күп.

Бўйига: 1. Дунёда энг кичик, Америка қитъасидаги тарқалган узун қанотли қүп. 3. Узбекистонда қиппайлайдиган, патлари тим қора, кучмачи қүп. 4. Баҳор дарракчиси, ингичка қанотли, фойдали қүп. 7. Урдаксимон буйни узун йирик сув қуши. 8. Балиқчилар туркумига мансуб, боши ва думи қора, тумшуги узун қүп. 10. Узун думли, митти парранда. 12. Осиёнинг жануби-шарқий ўрмонларидаги тарқалган, қирғовулар оиласига мансуб қүп.

Машқни тўғри ҳал этган бўлсангиз, қийидаги рақамларда янирингиз (биринчи рақам жавоб сўз тартибини, иккинчи ҳарф тартибини англатади) муаммони ҳал этинг. Бунда ибратли сўзлар аён бўлади.

3-1, 9-2, 7-5, 11-5, 5-2, 13-3.  
6-1, 2-4, 14-3, 6-5, 1-4, 10-11, 12-3.  
4-4, 2-2, 12-5, 8-1, 10-1, 9-3, 5-4, 13-1.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

Таҳрир ҳайъати:  
Наримон ОРИФЖОНОВ,  
Омон МАТЖОН,  
Гулнора ЙУЛДОШЕВА,  
Марат ШАФИЕВ,  
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г -0317.  
7691 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими — А-3.  
Босишга тоннажирии вақти 19.00  
Тоннажилди — 18.30

- Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
- Манзилимиз: 700083,
- Тошкент шаҳри,
- Матбуотнлар кўчаси,
- 32-уй.
- Телефон:
- 33-44-25